



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 14 - aprel

751u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Юсупова Аноргулнинг
турар жой биносига бўлган эгалик
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Юсупова Аноргулнинг “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 3 мартдаги ШЯ-Ю-885-сонли аризасини, “Нурафшон” шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 2 мартдаги 641-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 111,20 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 130,76 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 241,96 квадрат метр, қурилиш ости майдони 309,64 квадрат метр, умумий ер майдони 962,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Юсупова Аноргулга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Юсупова Аноргулга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Юсупова Аноргулга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев